

## “ПРЕФИКСАЦИЯ КЛИНИК АТАМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ СИФАТИДА” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИЛИШИ ВА ЁРИТИЛИШИ, ТЕХНИКАСИ

*Нишонова Дилнавоз Жонибековна*

*Фаргона жамоат саломатлиги институти*

*Лотин тили, педагогика ва психология кафедраси ўқитувчи*

*Abdunazarov Posbek*

*Стоматология иши 1-курс 64-22 гуруҳ талабаси*

*Паттихонова Барнохон*

*Даволаш иши 1-курс 36-22 гуруҳ талабаси*

**Аннотация:** Тиббиёт институтларида лотин тилини ўқитишда қўлланиладиган машқларнинг айрим тип ва турлари қанчалик самарали бўлса, улар тил ўргатишнинг бутунлай муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, тил ўрганувчиларда машқлар тизимининг фонетик, грамматик ва лексик малакаларни шакллантирувчи қисмлари ўз навбатида – талаффузни ўргатадиган, гапиришнинг синтактик томонларини ўргатадиган, оғзаки нутқнинг морфологик малакаларини ўргатадиган машқлар циклига бўлинади. Машқлар цикли маълум тил ҳодисаларини ўргатадиган анча кичик машқлар гуруҳига бўлиниши мумкин.

**Аннотация:** Некоторые типы и виды упражнений, используемых при обучении латыни в медицинских учреждениях, столь же эффективны, как и в обеспечении полного успеха обучения языку.

Также части системы упражнений, формирующие фонетические, грамматические и лексические навыки у изучающих язык, разделены на цикл упражнений, обучающих произношению, обучающих синтаксическим аспектам говорения, обучающих морфологическим навыкам устной речи. Цикл упражнений можно разделить на гораздо меньшую группу упражнений, обучающих конкретным языковым явлениям.

**Annotation:** Some of the types and types of exercises used in teaching Latin in medical institutions are as effective as they are in ensuring that language teaching is completely successful.

Also, the parts of the system of exercises that form phonetic, grammatical and lexical skills in language learners are divided into a cycle of exercises that teach pronunciation, teach syntactic aspects of speaking, and teach morphological skills of oral speech. A cycle of exercises can be divided into a much smaller group of exercises that teach specific language phenomena.

**Kalit so`zlar:** интерфаол методлар, стратегия, тиббиёт институти, педагогик технологиялар, мустақил таълим, интерфаол, анъанавий, ижодий иш, график, интерфаол таълим.

**Ключевые слова:** интерактивные методы, стратегия, медицинский институт, педагогические технологии, самостоятельное обучение, интерактив, традиционное, творчество, графика, интерактивное обучение.

**Key words:** interactive methods, strategy, medical institute, pedagogical technologies, independent learning, interactive, traditional, creative work, graphics, interactive learning.

Бугунги кунда Республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда суҳбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қилади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни огзаки тарзида ўқувчи (талаба)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос булиб, ўқувчи (талаба)лар бу вазиятда суҳбат тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганда жавоб қайтариш, кам ҳолатларда руҳсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир. Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидаги фақат маъруза машгулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қилади. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (талаба) намоён бўлади. Ўқувчи (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намоёниш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда ўқитувчи - ўқувчи анъанавий таълимдаги суҳбат иштирокчилари саволлар билан мурожаат қилади. Ўқувчи (талаба) лар гуруҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суҳбат иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гуруҳи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, америкалик психолог олимлар Р. Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10%; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот) ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намоёниш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот) ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга. Шунга кўра интерфаол ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “Ўқитувчи - ўқувчи - ўқувчилар гуруҳи” нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”

Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

2. Стратегиялар: “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.


### “БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” МЕТОДИ

Метод ўқувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Методдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни методни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради


Ўқувчи (талаба)лар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Метод мавзунинг ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади. “Тиббиёт институти талабалар таълимида янги педагогик технологиялар” фани бўйича талабалар мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- кўргазмалар воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш;
- талабалар ётоқхонасидаги маънавий хонаси, кутубхона, замонавий ахборот технологиялар маркази имкониятларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўқиш жараёнларида иштирок этиш;
- кафедралар ва факультетларнинг илмий ҳамда илмий-услубий ишлаш;

Замонавий таълим технологияларини амалга ошириш шароитида талаба қуйидаги умум ўқув (ҳар қандай ўқув фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган) кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак:

1) маълумот билан мустақил ишлаш: асосий ҳолатларни аниқ, чизмавий ва изчилликда конспект кўринишида қайд этиш; ўқув топшириқ ва вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни топиши, таниши, тушуниши, танқидий баҳолаши, уни йиғиш ва реферат, ҳисобот, белгиларда, шунингдек граф икли ташкил этувчилар кўринишида тақдим этиш; берилган талабларга мувофиқликда ўзининг шахсий илмий матнини (мақола, маъруза, тезис) яратиш;

2) тақдим этиш малакалари: ўқув топшириғини бажариш натижалари

бўйича сўзлаётганда ўзини дадил тутиши, турли кўрғазмали воситалардан фойдаланиши;

3) ўқитувчи билан талабани ўқув ўзаро ҳаракатини ташаббуслаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва мураса йўлини топиш, суҳбатга киришиш, ҳақиқат бўйича саволлар бериш, далилий жавоблар бериш, мунозара қоидаларига риоя этиб уни олиб бориш, тортишувларда иштирок этишнинг мулоқотлашув малакалари;

4) гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёрлиги ва қобилиятида – ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорлик фаолиятини жамоавий режалашда, умумий вазифани ечишда ҳамкорий мулоқот ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашда намоён бўладиган ҳамкорликда ишлаш малакалари;

5) муаммоли маърузада фаол иштирок этишни ва таълимий вазиятларни (Кейс-стади) ва бошқаларни ечишни таъминловчи муаммоли вазифаларни таҳлил қилиш, ўқув топшириғини ечишнинг оддий бўлмаган йўллари топиш, ғояларни ишлаб чиқиш ва хулосаларни қабул қилиш малакалари;

6) ахборот излаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологияларини қўллашнинг амалий малакалари.

Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида, шунингдек тиббиёт институти тиббиёт талабаларининг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган. Мустақил таълим олишда талаба ўзи мустақил равишда адабиётлар, дарсликлар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, интернет ресурслари, Ziyonet материаллари ва ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиши назарда тутилади.

Келажаги буюк бўлган ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида, тиббиёт институти талабалари орасида тутган ўрни тобора ўсиб бораётган халқаро алоқалар ва мамлакатлар ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқалар ривожланаётиб, мустақамланиб бораётган ҳозирги кунда унинг келажагини яратувчи ва белгиловчи баркамол авлодга, ёшларга, тиббиёт институти талабалари орасида лотин тили ва тиббий терминология асосларини пухта ўргатиш ва тиббиёт ходимлари билан бевосита мулоқот давомида ўзига тааллуқли, яъни касбига алоқадор бўлган масалаларни эркин муҳокама қила олиш, оғзаки ёки ёзма шаклда мулоқот қилишни ўргатиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тиббиёт соҳасида замонавий мутахассис учун лотин тили ва тиббий терминология асосларини билиш аҳамиятлидир, негаки ҳозирги фан ва техниканинг жадал ривожланиши ва ҳамда технологияларнинг Лотиндан кириб келиши мукамал ва пухта билимни талаб этади. Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда педагогик таълим бериш усул ва воситалари кескин ўзгариб бормоқда, яъни тиббиёт институти талабаларига лотин тилини ўқитиш жараёнида ўқитувчилар замонавий педагогик технология ҳамда ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш зарурлигини бугунги кун ҳаёти тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда таълим беришнинг фақат анънавий усуллари қўллаш билан самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.S.Sh. Rustamova lotin tili va terminologiya
- 2.Lotin tili (L.Xo'jayeva, X.Zohidova, Z.Rahmatullayeva)
- 3.Лотин\_тили\_ОМХ\_ўқув\_қўлланма\_янги\_расм
- 4.– Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 29-август Т.
- 5.Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.қўлл. “Ўртамахсус, касб-ҳунар таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 б.
- 6.Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
- 7.Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.
- 8.Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.